

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
TOSHKENT KIMYO-TEXNOLOGIYA INSTITUTI



**«O'ZBEKİSTONDA VINOCHILIK VA SANOAT
UZUMCHILIGI SOHASINING MUAMMOLARI VA
ULARNING INNOVATSION YECHİMLARI»**
*Respublika ilmiy-texnikaviy konferensiya
ilmiy ishlar to'plami
2023-yil 12-13-oktyabr*

**Сборник научных трудов республиканской научно-
технической конференции
«ПРОБЛЕМЫ ВИНОДЕЛИЯ И ПРОМЫШЛЕННОГО
ВИНОГРАДАРСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ И ИХ
ИННОВАЦИОННЫЕ РЕШЕНИЯ»
12-13 октября 2023 года**



Toshkent 2023

Ushbu to'plam oziq-ovqat, vinochilik va sanoat uzumchiligi sohasining dolzarb muammolariga bag'ishlangan. Ma'ruzalarda Toshkent kimyo-texnologiya instituti, Toshkent kimyo-texnologiya instituti Shahrисабз filiali, Farg'она politexnika instituti, Navoiy davlat konchilik va texnologiyalar universiteti va boshqa oliygohlar professor-o'qituvchilari, ilmiy izlanuvchilari, magistr hamda talabalarining ilmiy-tadqiqot ishlarini natijalari aks ettirilgan. Mualliflar maqolalar mazmuniga javobgardirlar.

Сборник посвящен актуальным проблемам пищевого, винодельческого и промышленного виноградарства. В материалах отражены результаты научно-исследовательской работы профессоров, научных сотрудников, магистрантов и студентов Ташкентского химико-технологического института, Шахрисабзского филиала Ташкентского химико-технологического института, Ферганского политехнического института, Навоийского государственного горно-технологического университета и других вузов. Авторы статьей несут ответственность за их содержание.

Tahririyat jamoasi: t.f.n., dots. Abdullayeva B.A.

t.f.n., dots. Zakirova M.R.

PhD., dots. Boboyev A.X.

PhD., dots. Malikov A.N.

Taqrizchilar: b.f.d., prof. Bobayev I.D.

b.f.n., dots. Qarshiyev T.O.

PhD., dots. Normatov A.M.

PhD., dots. Eshmatov F.X.

ОЗИҚ ОВҚАТ ҚҰШИМЧАЛАРИ ВА АХОЛИ САЛОМАТЛIGИ

Шерқүзиева Г.Ф., Саломова Ф.И., Юлдашева Ф.У.

Тошкент тиббиёт академияси

+998935961120

Инсоннинг саломатлиги қисман овқатланиш ва унинг алоҳида таркибий қисмларининг сифатига боғлиқ бўлади. Овқатланиш барча маълум бўлган касалликларнинг пайдо бўлиши, ривожланишида ва кечишида 80% аҳамиятга эга. Этиопатогенизизда овқатланиш омили асосан рол ўйнайдиган касалликлар орасида 61% ни юрак қон томир касалликлари, 32% ни ўсма касалликлари, 5% ни II турдаги қандли диабет, 2% ни алиментар танқисликлар (йод танқислиги, темир танқислиги ва бошқалар) ташкил этади.

Сўнгти йилларда ривожланган мамлакатлар аҳолисида сурункали юкумсиз касалликларнинг катта гурухи пайдо бўлиб ўсиб бормокда. Маълумотларга қараганда 2025 йилларга келиб қандли диабет билан оғриган касаллар сони ривожланган мамлакатларда 2,5 маротаба ошиб, умумий сони 228 миллион нафарга етади. Кимё ва озиқ-овқат саноати ривожлангани сайин синтез йўли билан олинадиган ва зираворлар ўрнида қўлланиладиган сон-саноқсиз қўшимча маҳсулотлар пайдо бўлди. Улар биринчидан, озиқ-овқатларнинг сакланиш муддатини узайтириш ва Ер шарининг исталган бурчагига ташиб етказиш имконини беради, иккинчидан, егулигу ичимликларга чиройли кўриниш, ёқимли хид багишлиб, кишида ёқимли иштаҳа уйғотади.

Озиқ-овқат саноатида беш юзга яқин турли-туман қўшимчалар ишлатилади. Сунъий ингредиентлар, яъни ажралмас таркибий қисмли озиқ-овқат қўшимчалари инсон организмига нечоғли таъсир килиши эндиликда истеъмолчиларни энг кўп қизиктирадиган муаммолардан биридир. Ҳозирда дунё бўйича озиқ-овқат саноатида 2 мингга яқин қўшимчалар ишлатилипти. Бу эса ўз навбатида барча қўлланиши кўзда тутилаётган озиқ-овқат қўшимчаларининг гигиена токсикологик текширишлардан ўтказиши талаб этади.

Шу билан бирга аҳоли саломатлигини саклаш ва қўлланаётган озиқа қўшимчаларининг инсон организмга салбий таъсирини олдини олиш мақсадида Ўзбекистонда кучли қонунчилик яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги” тўғрисида Қонуни. Ушбу қонуний хужжатда овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар — озиқ-овқат хом ашёсини қайта ишлаш йўли билан ёки сунъий усулда ҳосил қилинган ҳамда бевосита овқат билан бирга истеъмол қилишга ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга мўлжалланган табиий ёхуд табиийга айнан ўхшайдиган биологик фаол моддаларнинг концентратлари санитария-эпидемиологик хulosса берилган сўнг ишлатилишга ва фойдаланишга рухсат этилади. Қонунинг 10-модда. Янги озиқ-овқат маҳсулотини яратиш ва ишлаб чиқаришда ҳар қандай янги озиқ овқат маҳсулотлар гигиена – токсикологик текширишлардан ўтказилиши шарт ва аҳоли саломатлигига хавф келтириб чиқармаслиги илмий асосланиб тасдиқлангандан кейингина рухсат этилади бу эса профилактик тиббиётнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Биз юқоридагилардан келиб чиқкан холда “Ароматизатор говядины № 4” озиқ овқат қўшимчасини токсикологик жиҳатдан текширидик ва қуйидаги натижаларни олдик: маҳсулот Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган бўлиб, барча турдаги калбаса маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланилади, қўллашдан асосий мақсад тайёр маҳсулот сифатини яхшилаб унинг таъмини яхшилади.

“Ароматизатор говядины № 4” озиқ овқат қўшимчаси фалга пакетларда 1 кг нетто оғирлиги билан чиқарилади. ЕС) 1169/2011) регламентига мос равшда қуйидаги таркибга эга: ичимлик содаси, стабилизатор, эмульгатор ва қуюқлаштирувчи сифатида малтодекстрин, maltodextrin, целлюлоза (E460) ушбу қўшимча барча мамлакатларда қўллаш учун рухсат этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида қўллаш мөъёри 15,0 г/кг маҳсулотга белгиланган.

Тайёр маҳсулот таъмини кучайтириш мақсадида глютаминат натрий 1-аралашган (лат. natrii glutamas, инг monosodium glutamate) – кўп натрийли туз глутамин кислоталар,

(Е621). Оқ рангли кристалл қуқун бўлиб сувда яхши эрийди. Божхона иттифоқининг (БИ)техник регламенти (ТР)029/2012 га асосан барча табиий маҳсулотлардан олинган таъм берувчи қўшимчалар табиий ҳисобланади. Таъм кучайтиргичларни кўллаш барча мамлакатларда рухсат этилган бўлиб, ўртacha ўлим дозаси (DL_{50}) оқ қаламушлар ва сичқонлар учун глутамата натрий 15-19,9 г/кг тана оғирлигини ташкил этади. Инсон учун йўл қўйиш меъёри - 120 мг/кг тана оғирлигига. Маҳсулот таъмини оптимал қилиш учун 3,5-5 г микдори етарли. 70 кг тана оғирлигилаги инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмасдан тахминан 8,5 г глутамат натрий истемол қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида 10,0 г/кг маҳсулотга ушбу моддани қўшиш рухсат этилган. Шу билан бирга ароматизаторлар ҳам қўшилади. Органолептик хусусиятлари: консистенция – сочилувчан қуқун, ранги -оч жигарранг, хиди -типик, бошқа бегона хидларсиз, мазаси -типик. Маҳсулот технологик жараённинг оҳирида қуруқ холда фаршга қўшилади, 1 килограмм ҳом ашёга 1-3 грамм микдорида қўшилади.

Маҳсулотни оригинал, хеч қандай заарланмаган қадоқ идишларда хона ҳароратида, коронғу жойда ва қуруқ хоналарда 12 ойгача саклаш мумкин. Озиқ овқат қўшимчаси "Ароматизатор говядины № 4" тажриба ҳайвонларига ўткир ва сурункали таъсири ўрганилди. Умумий 139-159 гр. оғриликдаги 150 та оқ қаламушлардан фойдаланилди, улардан 75 таси ўткир таъсирини ва 75 таси сурункали таъсирини аниқлаш учун фойдаланилди. Тажрибаларда ҳайвонларининг иккала жиссидан фойдаланилди.

Назорат гурухида 6 та оқ қаламушлардан фойдаланилди. Ошқозон ичак орқали ўрганилаётган модданинг бир маротабали ўткир таъсир кўрсаткичларини модданинг 1000, 2500 и 5000 мг/кг дозасида ўрганилди.

Бунда биринчи гурух тажриба ҳайвонларига юбориладиган 1000 мг/кг дозаси учун иккала модданинг 40% эритмаси тайёрланди ва бир маротабадан 200 гр тана оғирлигига - 0,5мл модда юборилди.

Иккинчи гурух тажриба ҳайвонларига юбориладиган 2500 мг/кг дозаси учун иккала модданинг 50% эритмаси тайёрланди ва бир маротабадан 200 гр тана оғирлигига -1,0мл модда юборилди.

Учунчи гурух тажриба ҳайвонларига юбориладиган 5000 мг/кг дозаси учун иккала модданинг 33,3% эритмаси тайёрланди ва бир маротабадан 200 гр тана оғирлигига -3,0мл модда юборилди. Тажриба ҳайвонлари 14 кун давомида кузатилди ва заҳарланиш белгилари аниқланмади.

Тажриба ҳайвонлари ўзларини адекват тутишди, тери қопламалари силлик хеч қандай патологик ўзгаришлар аниқланмади. 5000 мг/кг максимал дозада тажриба ҳайвонларинг ўлими кузатилмади шунинг учун ўртacha ўлим дозасини (DL_{50}) аниқлаш имкони бўлмади. Озиқ овқат қўшимчаси "Ароматизатор говядины № 4" ўткир токсик таъсир даражаси бўйича IV синфга (камзаҳарли модда) киритиш мумкин.

Озиқ овқат қўшимчаси "Ароматизатор говядины №4"нинг узок сурункали таъсири тажриба ҳайвонларига 200, 400 ва 1200 мг/кг дозаларда ошқозон ичак орқали юбориш орқали ўрганилди. Модданинг рег ос орқали юборилган дозаларини тажриба ҳайвонлари яхши қабул қилишди.

Уларнинг умумий холати, тана оғирлигини ўсиши, хатти ҳаракати, гемотологик ва биокимёвий кўрсаткичлар назорат гурухидаги ҳайвонларнинг кўрсаткичларидан фарқ қилимади. Хусусан ҳайвонларнинг тана оғирлиги бошлангич кўрсаткичи $138,4\pm1,4$ бўлган бўлса 30 кунлик ошқозон ичак орқали модда юборилганда тана оғирлигини ўсиши $182\pm1,2$ кўрсатди, бу ўртacha фоизларда $+16,2\%$ ни ташкил этди. шундай қилиб озиқ қўшимчаси "Ароматизатор говядины № 4" узок вақт ошқозон орқали юборилганда тажриба ҳайвонларига заҳарли таъсир кўрсатмади, бу эса озиқ овқат саноатида унинг қўллашган хеч қандай қарши кўрсатмалар йўқлигини кўрсатади.

42	FUNKSIONAL OVQATLANISHDA SOYA OQSILLARNING O'RNI ¹ Kadirova N.B., ² Abdurahimov A.A., ³ Salixanova D.S., ⁴ Sagdullayeva D.S. ¹ Farg'ona politexnika instituti, ² Toshkent kimyo-texnologiya instituti, ³ O'RFA Umumiyl va noorganik kimyo instituti, ⁴ O'zRFA Bioorganik kimyo instituti	89
43	AMARANT O'SIMLIGINING MIKROBIOLOGIK TAHLILI Shodihev D.A., Qurbonov H.A. Farg'ona politexnika instituti	91
44	QANDLI DIABET PROFILAKTIKASIGA EGA BO'LGAN STEVIYA O'SIMLIGINING MIKROBIOLOGIYASI HAQIDA Najmitdinova G.K. Farg'ona politexnika instituti	93
45	OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARNI TAYYORLASHDA OQSIL OLISH BIOTEXNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQISH Ziyabova Sh.R., Normatov A.M., Bobayev I.D. Toshkent kimyo-texnologiya instituti	95
46	ТЕХНОЛОГИЯ МАСЛА ИЗ ВИНОГРАДНЫХ КОСТОЧЕК Хамракулова М.Х., Мухторова Ф. Ферганский политехнический институт	97
47	MARGARINLARNING OKSIDLANISH BARQARORLIGINI O'RGANISH TADQIQOTI Xasanov A.X., Azizov M.R. Toshkent kimyo-texnologiya instituti	99
48	ОЗИҚ ОВҚАТ ҚЎШИМЧАЛАРИ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ Шерқўзиева Г.Ф., Саломова Ф.И., Юлдашева Ф.У. Тошкент тиббиёт академияси	101
49	INTRODUKSIYA QILINGAN AMARANT O'SIMLIGIDAN OLINADIGAN MOYINING OZIQ-OVQAT SANOATIDAGI AHAMIYATI Shodihev D.A., Abduvaliyeva M.A. Farg'ona politexnika instituti	103
50	ZAMONAVIY OZIQ-OVQAT SANOATIDA MIKROORGANIZMLARNING RO'LI ¹ Bazarbayeva K.S., ^{1,2} Gandjayeva L.A. ¹ Xorazm Ma'mun akademiyasi, ² Urganch davlat universiteti	105